

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тижорат Халқ банки
акциядорларининг навбатдаги йиллик
Умумий йиғилишининг
2016 йил 24 июндаги
3 - сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг Бошқаруви тўғрисида НИЗОМ (янги таҳрирда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 943, 05.06.2000 й.) ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқарувининг (кейинги ўринларда матнда - “Банк Бошқаруви” деб юритилади) мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек бошқарув аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

II. БАНК БОШҚАРУВИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

3. Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижро этувчи орган – Раис раҳбарлигида ишлайдиган Банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

4. Банк Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. Банк Бошқаруви аъзолари Банк Бошқаруви раисининг тақдимномасига кўра Банк кенгаши томонидан белгиланган тартибда танлови бўйича саралаш асосида тасдиқланади.

5. Банк Бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини банк номидан Банк кенгаши раиси имзолайди ёки Банк кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Банк Бошқаруви раисининг ўринбосарлари, Банк Бошқаруви аъзолари ва банк бош бухгалтери билан меҳнат шартномаларини Банк Бошқаруви раиси имзолайди.

6. Банк Бошқаруви аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Банк кенгаши томонидан ҳар бир номзод бўйича алоҳида амалга оширилади, шунингдек белгиланган тартибда чет эллик менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлови бўйича саралаш асосида Банк Бошқаруви аъзолигига номзод сифатида киритилиши мумкин.

7. Банк кенгаши томонидан Банк Бошқаруви таркибига киритилган Бошқарув раиси ва Бошқарув раиси ўринбосарлари ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан янги номзод тайинлангунга қадар унинг вазифаларини Банк кенгашининг қарори билан вақтинча бошқа шахс бажаришига рухсат берилади.

III. БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ТАРКИБИ

8. Банк Бошқаруви таркибига:

- Банк Бошқаруви раиси ўринбосарлари, бош бухгалтер, юрист;
- таркибий бўлинма раҳбарлари;
- чет эллик менеджерлар;
- банк фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи бошқа мутахассислар кириши мумкин.

9. Банк Бошқаруви аъзолари лавозим йўриқномасида белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартнома шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк кенгашининг, Банк Бошқарувининг қарорлари ва Банк Бошқаруви раисининг кўрсатмалари ва мазкур низом доирасида иш тутади.

Банк Бошқаруви аъзоларини моддий рағбатлантириш банк фаолияти самарадорлигига қараб ҳамда банк билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

10. Банк Бошқаруви раиси мазкур Низомга мувофиқ банк фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан Банк Бошқаруви таркибига Банк кенгашига қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

11. Банк кенгаши, Бошқарув раиси шартнома шартларини бузганда ёки амал қилмаганда у билан тузилган шартномани бекор қилиши мумкин. Банк кенгаши, Бошқарув раиси Банк уставини қўпол равишда бузганда ёки ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида банкка зарар етказган тақдирда у билан тузилган шартномани муддатдан аввал бекор қилиши мумкин.

12. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Банк Бошқарув раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатдан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори, умумий йиғилишда қатнашаётган овоз бериш ҳуқуқига эга акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13. Банк кенгаши томонидан Банк Бошқарув раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатдан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори, мажлисда қатнашаётган Банк кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

14. Акциядорлар умумий йиғилиши ва/ёки Банк кенгаши қарори асосида Бошқарув раиси ваколатлари тугатилганда, мазкур мажлисда унинг ваколатларини бошқа шахсга берилиши ёки яқин ўртада бўлиб ўтиши режалаштирилган умумий йиғилишда кўриб чиқилиши учун қолдирилиши ҳамда Банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажариш учун бошқа шахсга юклатилиши тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

IV. БАНК БОШҚАРУВИ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

15. Банк Бошқаруви раиси банк фаолиятининг барча масалаларини мустақил равишда ҳал қилади, Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк кенгашининг ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

16. Банк Бошқаруви раиси Банк фаолияти учун жавоб беради ва амалдаги қонунчилик талаблари, Банк Устави, мазкур Низом, у билан тузилган шартнома шартлари, акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши қарорлари асосида фаолиятини ташкил этади.

17. Банк Бошқаруви:

Банкнинг жорий фаолиятига тезкор раҳбарликни ташкил этади ва амалга оширади;
Банк Бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Банк кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

Банк марказий аппарати бўлинмалари раҳбарлари ва филиаллари раҳбарларининг Банк фаолиятининг аниқ йўналишлари бўйича тегишли даврлар ва ишлар учун фаолият яқунлари

тўғрисидаги, шунингдек улар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш натижалари бўйича ҳисоботларини кўриб чиқади;

Банк бўлинмалари иш амалиётига энг илғор банк технологиялари, банк ишларини комплекс автоматлаштириш лойиҳалари жорий этилишини ташкил этади, замонавий банк инфратузилмаси яратилишини таъминлайди;

Банкнинг филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари тармоғини такомиллаштириш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этади ва амалга оширади;

Банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича фоиз ставкаларини ва воситачилик ҳақи миқдорини ишлаб чиқади ва Банк кенгаши билан келишиб олади;

зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида банк активларининг диверсификацияланишини амалга оширади;

Банк томонидан Марказий банк белгилаган иқтисодий нормативларга, Марказий банкда мажбурий заҳираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлайди;

Банкнинг сармояси ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, шубҳали ва бекор турган активларга қарши уларни классификация қилиш асосида заҳиралар яратилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга ва халқаро стандартларга мувофиқ Банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этади;

Банкнинг марказий аппарати бўлинмалари раҳбарларини ва филиаллари бошқарувчилари ва бош бухгалтерларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлайди ва эгаллаб турган лавозимидан бўшатади, Банкнинг кадрлар таркиби тайёрланишини ва қайта тайёрланишини таъминлайди, энг ўрнатилган ходимларни рағбатлантириш, шунингдек, зарурият бўлганда, ходимларга нисбатан интизомий жазолар қўллаш ва улардан интизомий жазоларни олиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилади;

Банк кенгашининг қарорларини бажарилишини таъминлайди;

Банк кенгаши ва муассисларнинг биринчи талаби бўйича молиявий ҳисоботни ва банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этади;

Банк кенгаши олдида банк фаолиятининг молиявий натижалари учун белгиланган тартибда ҳисобот беради;

Банк кенгашида кўриб чиқиш учун банкни ривожлантириш стратегияси, банкнинг ташкилий-бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Банк кенгаши ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади;

Банк бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назорат қилади;

Банкнинг жорий фаолияти масалаларини тартибга соладиган ички ҳужжатларни тасдиқлайди, тасдиқланиши Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши ваколатига тегишли бўлган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

ишчи органларни, шу жумладан Банк қўмиталарини тузади, уларнинг ваколатларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

филиални бошқариш бўйича вақтинча бошқарувни ёки Банкнинг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади;

Банк кенгаши билан келишган ҳолда ўз ваколатлари доирасида мол-мулк сотиб олиш ва уни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган йирик битимлар, шу жумладан корхоналарга кредит бериш бўйича йирик битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада банк соф активлари миқдорининг 15 фоиздан кўпроғини ташкил қиладиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимлар) тузади;

Банк Бошқаруви Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади;

Банкни ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда Банк кенгаши ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши муҳокамасига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритади;

хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услубларини, махсус дастурий маҳсулотлар ва бошқаларни кенг қўллайди;

Банк бошқаруви, Банкда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, Банкнинг ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этади;

Бошқарув раиси ёки ўринбосарлари жойларда кўчма мажлис ўтказишлари мумкин ҳамда ушбу кўчма мажлис қарори Банк бошқарувида тасдиқланган тақдирда кучга киради;

Банкнинг бизнес-рискларини ва Банк Бошқарувининг мажбуриятларини суғурталашни амалга оширади;

Ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ўз малакасини ва Банкнинг таркибий бўлим раҳбарларининг малакасини ошириб боради;

Банк фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади ва ҳал этади.

18 Банк Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Банк Бошқаруви раиси ташкил этади, у банк номидан барча ҳужжатларни ҳамда Банк Бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, Банк Бошқаруви қабул қилган қарорларга мувофиқ ўз ваколат доирасида банк номидан ишончномасиз иш юритади.

19. Банк Бошқаруви раиси Банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Банк номидан битимлар тузади, банкнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

20. Банк Бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Банк уставида ҳамда уларнинг ҳар бири Банк билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланади.

21. Банк бошқаруви ва Банкнинг тегишли бўлинмалари раҳбарлари Банк ҳисоботидаги ахборотнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

22. Банкнинг филиаллари бошқарувчилари ва бош бухгалтерлари Марказий банк билан келишган ҳолда Банк бошқаруви томонидан тайинланади. Бошқарув раиси Банк номидан Банк филиаллари бошқарувчилари билан меҳнат шартномалари тузади.

23. Банк ходимлари Банк Устави ҳамда мазкур Низом ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк бошқаруви раиси ёки банк филиали бошқарувчилари билан меҳнат шартномаси тузадилар.

V. БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

24. Банк Бошқаруви мажлиси бир ойда камида бир марта ўтказилади. Банк Бошқаруви томонидан Банк кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Банк Бошқаруви мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Банк Бошқарувининг таклифи ҳақида Банк кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк Бошқаруви раиси ёки у томонидан ваколат берилган Банк Бошқаруви аъзоси ахборот беради.

25. Банк Бошқаруви мажлисларини Банк Бошқаруви раиси, раис бўлмаган ҳолда унинг ўринбосарларидан бири олиб боради ва Банк Бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди.

26. Банк Бошқаруви котиби бошқарув мажлислари баённомалари юритилишини ташкил этади.

VI. БАНК БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

27. Банк Бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим. Улар ўз ишларининг натижалари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк олдида жавоб берадилар.

28. Банк Бошқаруви аъзоси тузилаётган битимда молиявий манфаатдор бўлса агар тузилаётган битимда бир томондан Банк қатнашаётган бўлса, унда у қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда у қатнашмайди.

29. Банк Бошқаруви аъзолари уларга берилган хизмат ваколатларидан меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

30. Банк Бошқаруви аъзолари шахсий фойда кўриш мақсадида банкнинг мол-мулкани тасарруф қилишда суъистемоликларга йўл қўйилмаслиги керак.

31. Бунда овоз беришда банкка зарар келтириши мумкин бўлган қарор муҳокамасида қатнашмаган ёки қарорга қарши овоз берган Банк Бошқаруви аъзолари жавоб бермайдилар.